BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI 1930

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# "БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА)"

## Республика илмий-назарий анжумани материаллари

**2016 йил 9-10 декабрь**



Xullas, Afg`oniston hukmdorlari hayotida bizning o`lkamiz muhim rol o`ynagan.

## XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШ ВА БУХОРО АМИРЛИГИ

**Ражабов А. - БухДУ, магистр**

XIX аср охири – XX аср бошларида мустамлака ва ярим мустамлака асоратида бўлган Шарқ дунёсида миллий уйғониш юз берди. Миллий озодлик учун кураш жараёнининг дастлабки босқичи 1914-1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши даврига қадар давом этди. Озодлик учун ҳаракатлар тўлқини ўнлаб давлат ҳудудларини қамраб олди. Туркистонда кўтарилган озодлик учун курашни Шарқ халқлари кўтарган миллий курашларнинг таркибий қисми эди. Буюк Британия, Франция, Австрия, Венгрия, Германия мустамлакаларида кўтарилган қўзғолонлар, Россия империясининг четки ўлкаларидаги ҳаракатларга ўз таъсирини ўтказди. Судан халқларининг Муҳаммад Аҳмад (1848-1885) бошчилигидаги инглиз мустамлакачиларига қарши қўзғолони ҳамда француз мустамлакачиларига қарши Жазоирда Абдулқодир (1808-1883) бошлаган қўзғолон, Тошкентдаги 1892 йилдаги вабо исёни, 1898 йилдаги Муҳаммад Али эшон (1846-1898) ташкил этиб, унинг артилерияси пойтахт Хартумни эгаллади, Миср-Англия бирлашган қўшинлари тор-мор қилиниб, инглиз генерали Гордон ўлдирилди. Ҳиндистонда ер юзи мусулмонларини бирлаштиришга қаратилган иттифоқ ташкил топди. Туркия-Юнонистон урушида турклар ғалабага эришди. Ислом байроғи остида озодлик учун кураш майдони кенгайди.

1892 йилда Тошкентда юз берган вабо исёнида ўз даврининг илғор ва миллатпарвар кишилари Иньомхўжа Умархўжаев (1814-1896), юзбоши Аҳмадхўжа Абдурашидхўжаев, шириат қозиси Шарифхўжа Пошшохўжаев (1814-1904) лар элпарварликлари билан танилишган[1]. Ш. Пошшохўжаев ҳаёт фаолиятининг айрим лавҳалари Бухоро амирлиги билан боғлиқ. У Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Тошкентнинг Хўжа Аҳрор мадрасасида мударрислик қилган. Худоёрхон хонлиги даврида таъқибга учраб дўстлари ёрдамида Бухорога қочиб боради. Бухоро амири уни Вобкентга қози қилиб тайинлайди. Шарифхўжа назорат остига олиниб, зиндонга ташланади. Кейинчалик ушбу шахс Тошкентга қайтиб Шайхонтохур даҳасида 22 йил қозилик лавозимида ишлайди.

1898 йил баҳорида Фарғона водийсида кўтарилган Муҳаммад Али эшон қўзғолонида ҳам Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларида "бухорийлар" уларни қўллаб қувватлайдилар. Бу ҳақда тадқиқотлар маълумот беради.[1] XX аср бошларида Афғонистондаги "ёш афғонийлар" ҳаракати, 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоби, айниқса 1908 йил 23 июлда Туркиядаги "ёш турклар" инқилоби таъсири Бухорога етиб келди. Аввало, ушбу мамлакатларда маърифат-парварликни, озодликни тарғиб қиладиган матбуот органлари амирликка тарқалиб миллий онгни уйғонишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, "Ахтар" ("Юлдуз"), "Сирдтул мустақим" ("Тўғри йўл") каби матбуот органлари тараққийпарварлик ҳаракати шаклланиши ва ривожланишида катта ижобий таъсир кўрсатди[2].

Эрон инқилоби йилларида бу давлатнинг Машҳад, Табриз, Теҳрон каби шаҳарларида вужудга келган инқилобий ташкилотларнинг баъзи аъзолари Бухоро амирлигига муҳожирликка ўтадилар. Эрон фуқаролари Кавказорти Каспий денгизи – Астрахань йўллари Хива хонлиги орқали Бухоро амирлигига ўтганлар. Бухорода форслар маҳалласи бўлган[3].

Усмонийлар салтанати (Туркия)да "ёш турклар" ҳукумати ўрнатилгандан сўнг, 1908-1914 йилларда Бухоро амирлигидан ўнлаб ўсмирлар ва ёшлар Истанбулга таълим олиш учун бордилар. Ёшлар хориждан тараққийпарварлик ғоялари билан қуролланиб қайтдилар ва Бухоро амирлигида кечган сиёсий-маданий жараёнларда муҳим роль ўйнайдилар.

Хуллас, XIX аср охири-XX аср дастлабки ўн йиллигида Бухоро амирлиги Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлсада, дунёда кечаётган ижобий ижтимоий – сиёсий жараёнлардан четда колган эмасди.

---

[1] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб.Тузувчилар Ҳ. Содиков, Р.Шамсиддинов, П. Равшанов ва бошқалар;Таҳрир ҳайъати : А.Азизхўжаев ва бошқалар.Т.: Шарқ; 2000 - Б. 322-323.



---

[1] "Туркистанские ведомости". 1890 йил 10 июль

[2] История "историография национального освобождительных движении второй половини XIX начала XX веке в Средний Азии и Казахстане" (итоги, изучения) сб.статьей. Т.: Изд. Фан; 1989 год -134 стр.

[3]. Матвеев А.М. Из истории Иранских революционных организации в Средней Азии в начале XX века/ в сб. Взаимо отноцения народов Средней Азии и стран Востока в XVIII начале XX века. Т.: Фан; 1963 год -стр. 142-149.

| | | |
|---|---|---|
| Махмудов Э. | БХСРда ўтказилган “Ер тўғрисида”ги декретнинг вақф ерларига муносабати | 187 |
| Исаев О. | Сурхон воҳасига Бухородан “қулоқ” қилинган ва кўчирилган хўжаликларнинг аҳволи (XX асрнинг 20-30-йиллари) | 190 |
| Жамолова Д. | Бухородаги ислоҳотчилик ҳаракатида Икромча домланинг тутган ўрни | 194 |
| Раҳмонов К. | Бухорода педагогик ходимлар тайёрлаш тарихидан (1920-1924 йиллар) | 197 |
| Ҳайитов Ж. | Бухорода дунёвий таълим тарихидан (XIX асрнинг охири – XX аср) | 199 |
| Абдуллаев А., Сафоев Ҳ. | Ўзбекистон матбуотида хориждаги «бухороликларга» оид айрим маълумотлар (Мустақиллик даври мисолида) | 201 |
| Ризаев Б. | Бухоро амирлигидаги амалдорлар сардори | 203 |
| Шокиров М. | Тарихни холис ва одилона ўрганиш-давр талаби | 205 |
| Ўразов Б. | Тарих - келажак пойдевори | 209 |
| Davlatov S. | Istiqlol va iqtisodiy rivojlanish buyuk bunyodkorliklar omili (Buxoro viloyati misolida) | 211 |
| Mirzoyev Sh. | Afg`onistondagi siyosiy jarayonlarda Rossiya imperiyasi ma`muriyati va Buxoro amirligining ishtiroki (XIX asrning oxirgi choragi-XX asr boshlari) | 214 |
| Ражабов А. | XIX аср охири – XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида миллий озодлик учун кураш ва Бухоро амирлиги | 216 |
| Бобожонов Ш. | Бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик: Бухоро ва Жанубий Шарқий Осиё | 218 |



Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. « Times New Roman» garn.
Bosma tabog'i 14,0. Adadi 70. Buyurtma №20.

“Sadriddin Salim Buxoriy” MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri, M.Iqbol ko`chasi, 11-уй. Tel.: 0(365) 221-26-45